

Ўзбекистон болалари ва ўсмирларининг газетаси

Бу кутлуғ заминни меҳрига чулға с, Тумарга тўлдиришқ истайди Баҳор!



Она юрт ғурури ўзгача бу кун,
Юраклар сурури ўзгача бу кун.
Борлиққа ажиб бир саҳоват билан
Баҳор сочган нури ўзгача бу кун.

Ортада қолиб залвор қишнинг бўрони
Ташвиши диллардан тўкилган дами.
Баҳор каби олам қувонч улашиб,
Кириб келди гулгун меҳр байрами!

Оға-ининг қутлар, қутлайди қуёш,
Сингилжон, қучоғинг гулларга тўлсин!
Кўнгил кўзгусида ҳар эзгу аъмал
Оналар тилаги ижобат бўлсин!

Аввалбек ҚАРШИБОЙ.

Май

БАҲОР эркаси бодом гуллабди. Тупроқ бағрини ёриб чиққан сабрли майсаларнинг анбар ҳиди димоққа урилади. Борлиқ ҳам қуёш нурига чулғанган. Табиатнинг бу кутлуғ қадамига эш бўлиб, анъанавий байрам-8 март яқинлашмоқда...

ОНА! Ҳаммамизга мутлоқ муқаддас тушунча. Меҳримиз, ҳаётимиз, келажагимиз тиргаги. Она бешикни, бешик дунёни тебратар, дейишади. Ҳақиқатан ҳам фарзандига қалб кўрини берган, унга ҳаёт инъом этган "оналар оёғи остида равзаи жаннат боғи" поёндоз. Уларни биз қанча улуғлаб, қанча мадҳ этсак, шунча оз.



АЗИЗ БУВИЖОНЛАР, ОНАЖОНЛАР, СИНГИЛЖОНЛАР!
КўНГИЛ КўЗИНГИЗГА ҲЕЧ ҚАЧОН ГАРД ТУШМАСИН!
ТИЛАКЛАРИНГИЗ ДОИМО ИЖОБАТ БўЛСИН!



Назира опа биринчи бор ўқувчилар олдига — синфга кирганини, биринчи дарсини қандай ўтганини кўп бор хотирлайди. Ушанда жуда ҳаяжонланганди. Ҳатто, бармоқлари титраб, журналга ёзувлар ҳам ўзгача роқ тушганди. "Эплаб кетармиканман? Қулоқ солишармикан?" каби турли саволлар уни — ҳали тажрибасиз ёш ўқитувчини жуда қийнади. Мана, йиллар кетидан йиллар ўтиб, ўша ҳаяжон ўрнини босиқлик, ишнинг "кўзи"ни билиш эгаллади. Уни энди "опа" деб, ҳурмат билан тилга олишади. Устознинг қўлида қанча-қанча билимдон, зукко болалар сабоқ олишмади, дейсиз. Уларнинг кўпчилиги бугун ҳаётда ўз ўрнини топиб кетишган.

Кундалик ташвишларга қанчалик ўралашиб кетишган бўлса-да, муаллимани собиқ ўқувчилари унутишмайди. Ҳозир таълим олаётганлари-ку бир кун ҳам у кишини ёлғиз қолдиришмайди. Ҳар байрам Назира опанинг уйи, синф хонаси, кучоғи гулларга тўлиб кетади. Бу яшаш, яхши яшаш, одамларга яхшилик қилишинига ўргатган муаллимага бўлган ҳурмат, таъзимдир.

Суратда: Тошкентдаги 274-мактабнинг ҳурматли ўқитувчиларидан, узок йиллар давомида ўз умри, меҳнатини болалар таълимига берган Назира опа Исоқова.

Р. АЛБЕКОВ суратга туширган.




БАХТ КАЛИТИ КИМНИНГ ҚЎЛИДА?

ХАЛҚАРО хотин-қизлар байрами фасллар гўзали — баҳорни бошлаб беради. Унинг хусни, латофати байрам шодликлари билан қўшилиб кетади. Шундай кунларда қўшиқ айтиб, куйлагинг, шоирлар шеърларини ёд айтиб, кўнглингни ёзгинг келади.

Мақтабимиз қизлари ҳам байрам арафасида "Бахт калити кимнинг қўлида?" мавзuida қизлар йигинини ўтказишди. Уни қизларнинг яқин сирдоши, кўмакчи ва маслаҳатчиси-она тили ва адабиёти ўқитувчиси Маҳсудахон ая Абдуллаева ва Муҳаббатхон ая Йўлдошева ташкил этишди. Йигин бошида мусиқа ўқитувчимиз Ўғлилой Мадрахимова бошчилигида қизлар концерт дастурини намойиш этдилар. Қувноқ қўшиқ ва рақслардан кейин савол-жавоблар бошланиб кетди. Йигинда иштирок этаётган қизлар Қайқи қишлоқ болалар врачлари Шоирахон ая Шамсиддинова ва Маҳбубахон ая Валиевага, мактабнинг муаллималарига саволлар беришди, бахт ва унга эришиш учун қиз болаларга керак бўлган маслаҳатларни олишди.

Ҳар бир қизнинг келажакда бахтли бўлиб кетишини ҳамма орзулайди. 8 Март байрами арафасида бўлиб ўтган бу йигин шунинг учун ҳам барча аяларга совға ўрнида бўлди ва улар кейинчалик ҳам қизлар даврасига тез-тез келиб туришга аҳдлашдилар.

Умида ТОЛИПОВА,
Наманган вилояти, Ал-Хоразмий
номидаги мактаб ўқувчиси.



"СЕҲРЛИ ТАЁҚЧА"


Ўғлим Фарход кенжа бўлгани учун ҳам бироз эрка. Шунинг учун у мактабга бора бошлаганида "Ўқитувчисининг жонига тўзим берсин", дейишганди қўшнилари. Бироз жаҳлим чикса-да, тан бермасликнинг иложини йўқ эди.

Аммо муаллимаси узок йиллик тажрибага, ўқитувчиларга хос сабр-қаноатга эга экан. Буни ўғлимнинг ўқишга, ёзишга бўлган қизиқиши ва интилишига қараб-айтаётган. Чиройли ёзишга, дафтарни ифлос қилмасликка интилади. Келадия "Муаллимамиз шундай деган", дея вазифаларни бажаришга ҳаракат қилади.

Қизиги шундаки, Фарход мактабга бора бошлагандан буён "қўйилиб" ҳам қолди. Билмадим, Янгийул шаҳридаги 17-мактабнинг 1-"А" синф ўқитувчисиди қандайдир сеҳрли таёқча борга ўхшайди?

Шундай бўлса-да, мен барча оналар номидан у каби минглаб сабр тоқатли, меҳрибон, билимдон муаллималарни Халқаро хотин-қизлар байрами билан кутлаб, доимо соғ бўлинглар, дейман!

Ш. НОРБЕКОВА,
Янгийул шаҳри.



Азиз фарзандимиз ФАРҲОДЖОН!

Туғилган кунинг муборак бўлсин. Ушбу қувончли кунингда дилингни қамраган севинчу шодлигинг ҳамиша йўлдошинг бўлсин. Оллоҳдан камолатингни тилаймиз. Уни кўриб, шодланиб юриш бизга ҳам насиб этсин.

Сени кутлаб: даданг, аянг, опанг Сураёи ва укаларинг Фуқратжон, Фарруҳжон, Гулрухуой.

Самарқанд вилояти, Каттақўрғон шаҳри.



ҚАЛБЛАР ҚУВОНЧГА ТЎЛСИН!

иктисодий қийинчилик бундай кўмак беришда нафақат бизнинг ташкилотимизни, балки сармоясини бўлган бошқа ташкилотларни ҳам иложсиз қолдирди. Шундай бўлса ҳам ҳеч бўлмаганда байрам кунлари ана шундай кўнгли ярим фарзандларимизни хурсанд қилиш мақсадида ўтган йили ногиронларнинг "Меҳрибонлик" республика фестивалини ўтказган эдик. Биринчи бор ўтказилган бу тадбирда ўзимизнинг кўнглимиз тўлмаган жойлари кўп бўлди. Фестивални ҳар йили ўтказишга қарор қилганимиздан кейин бу етишимовчиликларни келаси сафар тўлдиришга қарор қилган эдик.

Ушанда болалар хурсандчилигининг чегараси йўқ эди. Биз уларга оз бўлса-да қувонч келтира олганимизга амин бўлдик. Шу сабаб ҳам бу йил Наврўз айёми арафасида, яъни 17 март куни "Меҳрибонлик" фестивалини иккинчи бор ўтказишга қарор қилдик. Фестивалга жумҳуриятимиздаги барча вилоятлардан 5 нафардан ногирон болалар таклиф этилади. Қўшни жумҳуриятлардан ҳам меҳмонлар чақирилган. Байрам шаҳримиздаги мухташам ва кўркам Навоий театри биносидида ўтказилади. Унинг иштирокчилари пойтахтнинг энг кўркам жойларини томоша қиладилар, цирк ва ҳайвонот боғида бўладилар. Улар учун тайёрланган концерт дастурида "Ялла", "Томоша" ансамллари, Гис Бойтоев, Шаҳбоз Низомиддиновларнинг оилавий дастури каби машҳур хонанда ва созандалар иштирок этишади. Шу кунда фестиваль иштирокчилари орасидаги энг истеъдодли

болаларнинг расмлари, ижодий ишларидан кўرғазма ташкил этиш, уларнинг машҳур хонанда ва раққосалар билан биргаликдаги чиқишларини тайёрлаш ниятидамиз.

"Меҳрибонлик" фестивалининг бу йилгиси аввалгисидан шу билан фарқ қиладики, унда иштирок этаётган барча болалар пойтахтдаги энг малакали шифокорлар кўригидан ўтишади. Ўтган йил фестиваль иштирокчилари фақат хурсандчилик қилиб кетишган бўлса, бу йилдагисиди эса ўзлари учун энг зарур соғликларини текширувдан ўтказиб кетишади.

Республика ногирон болаларининг "Меҳрибонлик" II фестивали ҳомийси — "МУРУВВАТ" кичик корхонасидир. Унинг биз учун ажратган маблағи, кўмаги ёрдамида ҳозир барча тайёргарликни давом эттираяпмиз.

Наврўз айёми арафасида ўтказиладиган бу тадбир кичик қалбларга бир олам қувонч, шодлик, бахт олиб кирсин. Мақсадимиз ҳам асли шу.

Д. ТУРАХМЕТОВА ёзиб олди.



Азиз фарзандимиз УСМОНЖОН!

10 баҳоринг муборак бўлсин! Ушбу қувончли кунингда дилингни қамраган севинчу шодлигинг ҳамиша йўлдошинг бўлсин. Сенга узок умр, сиҳат саломатлик, ўқишларингда улкан муваффақиётлар тилаймиз.

Бувижонинг, даданг Исроил, онанг Соҳиба, опанг Лазизахон.

Фарғона вилояти, Ўзбекистон тумани, Дустларобод посёлқаси, 37-уй.



ХИТОЙЛИК МЕҲМОНЛАР

Мустақилликнинг шарофати билан мана хориждан ҳам меҳмонлар кутадиغان бўлдик. Уларнинг бир гуруҳи яқинда газетамиз муҳарририясига Хитой Халқ Республикасидан ташириф буюришди. Шин-Жон Уйғур мухтор тумани "Шин-хуа" китоб савдо компаниясининг директори Сун Юфу, Шин-Жон ёшлар ва болалар нашриятининг бош муҳаррири Абдураҳмон Абай ҳамда шу нашриятнинг бош муҳаррири муовини Толиббой Қабаевлар газетамиз жамоаси билан ҳамсуҳбат бўлдилар.

Биз уларга республикамиз болаларининг ўқиш ва ишларидаги янгиликлари, муаммолари ҳақида сўзлаб бердик. Хитойлик тенгдошларининг ҳаёти ҳақидаги хикоялар эса ўз вақтида биз учун қизиқарли бўлди.

Улар раҳбарлик қилаётган нашрият ўтган йили уйғур, қозоқ ва хитой тилларида болалар учун 150 номда ва ёшлар учун 150 номда адабий, техник, илмий китоблар нашр этган экан. Болалар учун "Шин-Жон ўсмирлари" газетаси ҳамда "Торим гўлчалари", "Илм булоғи", "Хуаша авлодлари" журналлари чоп этиларкан. Шуниси таҳсинга лойиқки, болалар учун чиқариладиган барча китоб, газета ва журналлар олий сифатли қоғозда, кўп минг нусхада ва рангли бўёқларда босилади. Бу имкониятга улар 1979 йилдаёқ ўз туманларида ўнга яқин қоғоз заводларини ишга тушириб эришганлар. Гуруч, бугдой, қамиш пояларини қайта ишлаб, биз учун ҳозир ўткир муаммо бўлган қоғоз масаласини ҳал қилганлар.

Ажабмас, агар бизнинг Республикамизда ҳам яқин орада ички ва ташқи имкониятлар ишга солиниб, қоғоз муаммоси ҳал этилса болалар учун ажойиб адабий, илмий, техник китоблар чоп этилса. Ана шунда хорижликларнинг ҳам ўзбекистонлик болаларга ҳавас қилишлари шубҳасиздир.

А. ҚАРШИЕВ.

Суратда: хитойлик меҳмонлар.

ТАБРИКЛАЙМИЗ!

— Аъзамжон ака, суҳбатимизни самимият ҳақидаги фикр-мулоҳазалардан бошласак. Чунки ҳар қандай эзгулик ва олижаноблик, аввало, самимиятдан бошланади.

— Сиз мутлақо ҳақсиз. Инсон бошқа жонзотдан чуқур фикрлаш қобилияти, яъни онги, шуури билан фарқланади. Одам ўйлаган, яъни чуқур фикрлаган лаҳзаларда улугланади, ўзини ноҳўя ишлардан тияди. Ўйлаш қобилияти сусайган — чуқур фикрлашдан узоқлашганда эса баъзи бир ноинсоний ишларни қилиб қўйиб, ўзини ҳам ўзгани ҳам ранжитади. Агар жиддий бош қотирилса, инсон учун Оллоҳ томонидан инъом этилган барча хислатлар орасида энг улуги, энг эзгуси ҳам самимиятдир... бу жараён табиатда аниқроқ кўзга ташланади. Осмонда қуёш, юлдузлар, ойнинг чарақлаб туриши, ёмғир, қор ёгиши, тун билан кун алмашиш, турли-туман меваларнинг пишиши, боринги, инсоннинг туғилиши ҳам самимиятдир, табиатдир. Лекин инсон фаолиятида эса бу жараён кўпинча бузилади. Турли муносабатлар, турли манфаатлар туфайли самимиятга пугур етади. Шу ўринда болалар самимияти ҳақида гапириш ниятидаман...

— Мен ҳам фикрингизни шу борага қаратиш ниятида эдим. Зеро, ҳозирги болалар бир кун келиб улгайдилар. Биз ҳам қачонлардир бола бўлганмиз-ку... Бу икки муштарак тушунчани бир-бирдан асло ажратиш бўлмайди. Болалар самимияти эса гаройиблигича қолаверади.

— Набираларим дунёга келгандан кейин мен дунёни қандайдир бошқача кўрадиган, англайдиган бўлдим. Болаларнинг йиғилари ҳам, кулгилари ҳам мутлақо самимий. Улар алдашни ҳийла-найрангни билмайдилар. Ота-оналарига, боболари, бибиларига бугун вужудлари билан ташланадилар, уларни севадилар. Улғая борган сари, яъни фикрлаш доираси кенгайган, ҳис-туйғулари терахлаша борган сари эса катталарга тақлид қилиб, самимиятдан бирмунча узоқлаша бошлайдилар... Бирок болалар самимий бўлганликлари учун ҳам кек сақламайдилар. Шодликларни ҳам, ҳафаликларини ҳам тез унутадилар, Катталар эса кек сақлаш, ўч олиш каби иллатлардан абадий ҳоли бўлмайдилар ва бу билан “ИНСОН” деган муқаддас номга баъзан доғ туширадилар.


— Қизиқ... болалар асли яхши, ёмон бўлиб ондан туғилади ёки улғайиб, яъни муҳит таъсири остида яхши, ёмонга ажраладими?!

— Агар ҳазрат Навоий, Беруний, Улугбек, Сино, Темурнинг болаликлари ҳақида чуқурроқ мулоҳаза юритилса, уларнинг ондан улуг зотлар бўлиб туғилгани, яъни шоир, олим жаҳонгир бўлиб етишмасликларининг иложи йўқ эди. Балки бунга муҳитнинг ҳам таъсири бордир. Хиротда ўша кезлар шеърият юксак даражага кўтарилмаганда, бир пайтлар Лутфий, Жомий, Саккокий Навоийлар етишиб чиқмасиди... Агар Чингизхон тўдалари Туронни талаб, илм ва адабиёт, санъат ривожига тўқинлик қилмаганларида Темурнинг жанг майдонига чиқишига, ганимларга қарши курашишига эҳтиёж туғилмасиди?... Назаримда узоқ вақт болаларимизга дунёвий илмлар, дунёвий адабиёт, санъатдан тўла дарс бермаганимиз учун улар иқтидорларини тўла намоён эта олмаётгандилар?...

Бугунги кунда болалар орасида жиноятнинг кучайиши, уларнинг нашога, тамакига ружу қўйишларини кўриб беҳад эзиламан. Бу куфр ишда, аввало, болаларнинг эмас, катталарнинг ҳиссаси

бормасмикин? От босган изни той ҳам босади, деб бежиз айтмайдилар-ку?..

Болаларга қайғуриш — уларга кийим-бош олиб бериш, қоринларини тўйдириш, ё бирор ташкилотдан ҳайрия қилишдан бошланмайди. Болаларга қайғуриш-боланинг туғилишидан, яъни хонадон остонасидан, яна ҳам соддароқ қилиб тушунтиришда — атак-чечак қилиб юра бошлаган лаҳзалардан бошланади. Қуш уясида кўрганини қилади, деган нақл ҳам минг йиллар наридаги гаплар. Мазкур нақл ҳам асосан бола тарбияси кўзда тутилиб юзага келган. Ота-онанинг, ака-опаларнинг бир-бирларига меҳрибонлиги, қаттиқ-курум, ноҳўя гапларни гапирмаслиги-бола тарбиясидаги илк, яъни муқаддас нуқталардир. Ҳалоллик билан кун кўрадиган, ҳалолликка кўниккан



мактаб ўқувчилари орасида аниқ бир фарқ сезилди? Умуман “иктидорли” дейилганда ўқувчиларнинг қайси аломатларию, қайси юксакликлари кўзда тутилади?

— Бу борада самимият юзасидан гапирмасликнинг асло иложи йўқ. Агар ундан четлашиб, яъни виждонга қарши борсак, кимгадир юзхотир қилсак, демаски, фарзандларимизга қайғураётганимиз ёлгон бўлиб чиқади... Қайсидир муаллим бу борада каминадан ранжиса, демак у ҳам ўз фарзандига қайғуришдан бирмунча узоқлашган бўлади... Шахсан мен икки томоннинг имтиҳонларини кузатиб, кўзга яққол ташланадиган фарқни кўролмадим. Иқтидорли деб танлаб олинган ўқувчилар орасида оддий мақаб ўқувчиларидан кўра

сўм пул олинапти...

Богчаларда 300 га яқин болалар тарбияланади. 32 энага уларнинг тарбияси билан шуғулланади. Яқин орада ҳўжалигимиз қайтадан қаддини ростлаб олишига ишонамиз. Шундан кейин богчаларнинг ҳамма таъминотини давлат ҳўжалиги қайтадан ўз зиммасига олади.

Дорихонамиз ҳам бор. Мени анчадан бери жиддий бир масала қийнаб келарди. Қачонлардир қишлоқ ўртасига кимнингдир ташаббуси билан юқумли касалликлар шифохонаси қурилган экан. Бугунги кунда бу халқ учун салбий таъсир кўрсата бошлади. Сарик касали беҳад кўпайиб кетди. Мазкур шифохонадан чиқадиган чикиндилар туфайли шундай бўлди чоғимда. Ниҳоят мана шу юқумли касалликлар шифохонасини қишлоқдан ташқарига,

Болаликка қайғуриш — инсониятга қайғуришдир

— дейди Сирдарё вилояти, “Оқ олтин” туманидаги “Анджон” давлат ҳўжалигининг директори Аъзам АЛИҚУЛОВ.

хонадоннинг фарзандлари ҳам шунга кўникадилар. Ҳалол топилган мол-мулк билан улғайган болалар ҳам умри бўйи ҳалол меҳнат қилишни, ҳалоллик билан кун кўришни удум қилади. Бундай хонадонларнинг фарзандлари турмуш кургандан кейин ота-оналарининг яхши фазилатларини давом эттирадилар.

— Энди ўзингиз бошчилик қилаётган давлат ҳўжалиги қарамоғидаги мактаблар, уларда таҳсил олаётган ўқувчилар ҳақида озгина гапирсангиз.

— Болаларга қайғуриш — инсониятга қайғуришдир... болалар қисмати-инсониятнинг қисматидир... болаларга қайғурмадикми, демак одамзотни этиборсиз қолдирдик... ўз-ўзини унуттишга, ўз-ўзимизни кийинтириш, овқатлантиришга ҳеч қачон лоқайд қаролмаганимиздек, ўз-ўзимизнинг бошланишимиз бўлиши болаларни ҳам этиборсиз қолдиришга ҳам маънавий, ҳам жисмоний ҳаққимиз йўқ!

“Мен боламини дейман, болам эса боласини дейди” қабиладаги нақл ҳам беқорга айтилмаган. Инсоний диққат-этибор пастдан юқорига қараб эмас, юқоридан пастга қараб мустаҳкамланиб боради. Ва бу энг одил қонундир. Бу ҳол қушларда, бошқа жониворларда ҳам қонунга айланган. Қушлар ҳам, бошқа жониворлар ҳам болаларини полапон қилиб учиради, улғайтириб ажратади, шу тариқа қуш болалари, ҳайвон болалари ҳам ота-оналарини тарқ этадилар ва ўз болалари ҳақида қайғура бошлайдилар...

Давлат ҳўжалигимизда жами учта — ўзбек, қозоқ ва рус мактаблари мавжуд. Мазкур мактабларда 1500 бола таълим олади. Бундан ташқари иқтидорли болалар ўқийдиган алоҳида мактаб ҳам ташкил этганмиз. Бу мактабда 5-синфдан то 10-синфгача бўлган иқтидорли болалар ўқишайпти. Мен кейинги йилларда ўз истагим билан мактабни тутаётган ўқувчиларнинг имтиҳонларида қатнашаман. Шунингдек, иқтидорли болаларнинг имтиҳонларини ҳам жиддий кузатаман.

— Ҳўш, оддий мактабда ўқиётганлар билан иқтидорли

бўшлари, иқтидорсизлари ҳам бор. Билмадим, балки бу ҳол янглишувлик, танлашдаги этиборсизлик, яъни самимиятдан четлашиб оқдбатидир. Бирок мени бошқа бир масала қийнай бошлади. Бу мутлақо жиддий масала. Иқтидорли болаларни алоҳида ажратиб, алоҳида мактаб ташкил қилиб давлат ҳўжалиги ҳисобидан таъминлаб, уларга алоҳида нафақа ҳам тайинлаб, руҳлантираяпмиз. Бу борада этибор бўлиши мумкинмас. Иқтидорли мактабларнинг муаллимлари ҳам талабга жавоб берарли даражада иқтидорлиларми? Бу борада мутасадди кишилар жиддий бош қотириб кўришганми? Балки шаҳар жойларида иқтидорли мактабларга олий ўқув юрларидан фан докторлари, профессорлар, езувчилар, шоирлар, олий даражадаги мутахассислар таклиф этилар. Чиндан ҳам иқтидорлари болаларнинг иқтидорини рўёбга чиқариш учун кенг кўламда шароит яратарлар. Дунёвий илмлардан баҳраманд қиларлар. Лекин қишлоқ шароитида оддий мактаблардан ўтган муаллимлар қўйилган талабларга тўла жавоб бера оладиларми? Ё улар мазкур мактабларга ўтишдан олдин 1—2 йил шаҳарларда малакаларини оширганмилар? Бу масала бугунги кунда ҳаммамизни, жумладан, тумандаги мутасадди кишиларни ҳам қизиқтириши шарт деб ўйлайман. Иқтидорли мактабларга савиясиз, иқтидорсиз, табиатларида инжиқлик аломатлари сезиладиган муаллимлар ўтиб қолганига ким қафолат бера олади? Менинг бу ўз нуқтан назаримдан, шахсий фикрларимдан баъзи бир ўртоқлар ранжимасликлари керак. Чунки биз биргалишиб болаларимизнинг келажига астойдил қайғуришимиз лозим. Бу эса барча оталарнинг муқаддас бурчидир.

— Болалар богчалари борасида ҳам озгина гапирсангиз?

— Қаромогимизда учта болалар богчаси бор. Булар асосан давлат ҳўжалиги таъминотида. Шароитнинг огирлашуви натижасида кейинги пайтларда ҳар бир боладан кунига бир

яъни халққа зиён келтирмайдиган ерга кўчиришга муяссар бўлди.

570 гектар экин еримиз мавжуд. Шундан 370 гектарига пахта экилади. Бу йил 390 миллион сўмдан ошиқроққа маҳсулот сотдик. 32 миллион соф фойда олдик. Бунинг маълум қисми болажонларимизга сарфланиши тайин.

— Бозор иқтисодиға ўтиш муносабати билан ўзингизга маълум шароит бир оз мураккаблашди. Жумладан, болаларнинг сеvimли газета-журналлари ҳам бир оз қийинчиликни бошидан кечираётир. Шу борада ҳам сизнинг фикр-мулоҳазаларингизни билишни истардим. Ахир бу ҳам болаларга қайғуриш...

— Болажонларимизга етса молимиз, етмаса — жонимиз, дегим келади. Биз қандай бўлмасин, болажонларимизни бу борада қўллаб-қувватлашимиз — ҳам қарз, ҳам фарз. Улар истаган пайтларида арзон нарҳда газета-журналларни сотиб олиб, ўқиш имкониятларига эга бўлишлари керак. Бунинг учун зарур бўлса, биз ҳам ердан қўлимизни чўзамиз ва бошқа раҳбар ўртоқларимизни ҳам бу эзгу ишга ўз ҳиссаларини кўшишига чақираман.


— Ўзингиз ҳақингизда ҳам икки оғиз эшитасан.

— 1968 йили қишлоқ ҳўжалиги техникумини тугатдим. 1981 йили қишлоқ ҳўжалиги олийгоҳини сиртдан битирдим. Ҳозирги Сайхунбод туманига қарашли шолчилик давлат ҳўжалигида ҳосилот бўлиб ишладим. Кейин Усмон Носир давлат ҳўжалигида ҳосилот, сўнг бўлим бошлиғи бўлдим. 1987 йилдан буён “Оқ олтин” туманига қарашли “Анджон” давлат ҳўжалигида директорлик қилишман. Икки ўғлим, уч қизим, икки набирам бор. Болаларимиз доим соғ бўлишсин, ҳеч қачон уларнинг доғини кўрмайлик!

— Қизиқарли суҳбатингиз учун ташаккур.

— Сизнинг этиборингиз учун ҳам раҳмат!

Суҳбатдош Ўқтам ХАКИМАЛИ.



Суюкли ўғлимиз ОЙБЕКЖОН!
Умрининг иккинчи баҳорини қаршилаганинг қутлуг бўлсин. Ёшинга еш, умринга умр қўшмаверсин. Доммо соғ, бахтиёр бўл! Омад сенга ёр бўлсин.

Барча яхши тилакларни тилаб:
РАХМАТУЛЛАЕВЛАР оиласи.
Ленинобод вилояти, Нов тумани, Оқтепа қишлоғи.

Табриклаймиз!



Суюкли ўғлимиз ТОЛИБЖОН!
Муборак ўн ешга кирганинг қутлуг бўлсин. Ушбу қувончли кунингда сенга соғлиқ, саломатлик, бахт-соодат тилаймиз. Оллоҳдан камолатингни сўраймиз. Уни кўриб, шодланиб юриш бизга ҳам насиб этсин.

Сени қутлаб даданг, онанг, опа-укаларинг —
Нодирахон, Назоқатхон, Наргизахон,
Нафисахон ва Сурайёхон.
Марғилон шаҳри, Терактаги кўчаси, 95-уй.

Табриклаймиз!

ТУЗАТИШ
Газетамизнинг шу йил 23 февраль сонидаги “Ҳамма гап биз — катталарда” мақоласининг сўз бошисидagi Ички ишлар вазирига балогат ёшига етмаганлар билан ишлаш назорати бошлиғи, милиция подполковнигининг исми шарифи Ҳўжаакбар ака Аҳмедов, деб ўқилсин.

Ҳозир кўнги марда нафосат сеҳри

Кўксига гўдакни босиб турган аёл — бу гўзаллик, нафосат, ҳаётнинг ибтидоси. Қанчалар аёл образи яратилган ва мавзу қанчалар хилма-хил қайтарилмас рангларда жило берилган, деб ёзади Э. Миҷелайтис.

Ҳа, барибир аёл образи эскирмас ва ҳамisha ҳайратланарлидир. Уларнинг тунлари куйлаган аллаларида уйғоқ умидларга, меҳрга илнж бор. Етмиш икки томиридаги қонларида Ватан ишқи бор, бу ишқ гўдакларга улашувлидир.

Кириб келаётган баҳор ва гул байрами билан барча онахону опаларимизни, сингилжонларимизни дилдан қутлаб, саҳифамиздан уларга ўрин бердик. Бу уларга бизнинг байрам совғамиз бўлсин.

АДАБИЁТ ВА САҲЪАТ БЎЛИМИ.



Умида Абдуазимова

СИЗ КУЛСАНГИЗ...

Сиз кулсангиз, онажон,
Олам кулади.
Акам, укаму,
Тажанг
Қалам кулади.
Ой, кўёшни чизамиз
Сизга ўхшатиб.
Ўшингизни ёзамиз
Озга ўхшатиб.
Сизни кулдирамиз деб
Режа қиламиз.
Ой-кўёшни кулгуга
Бежай биламиз.
Онажон, сиз кулсангиз
Яшнаб кетасиз.
Юздаги ажинларни
Ташлаб кетасиз.

БАҲОР

Кўм-кўк осмон тиниқ худди сув каби,
Чугурлайди кушлар дарахт устида.
Кўёш нури қамаштираб кўзимни
Гўзал бўлиб турган олча пўстида.

Эсар майин бўлиб суртди шаббода
Булбул сайрар ёқимли куй ҳавода.
Манзарамиз қандай гўзал кўрингиз,
Биз томонга келсангиз сув мабодо.

Озода КЎЧҚОРОВА,

Хоразм вилояти, Урганч тумани, Қаламдаров номидаги мактаб

БАҲОРОЙ

Мен Баҳорой, гўзал қиз,
Сўзларим-чи, асал қиз.
Сочларимда баргақлар,
Мен соҳиби хаёл қиз.

Мен Баҳорой кўйлагим,
Камалақдан тикилган.
Ёқар дилга куйларим,
Бағримдан дур тўкилган.

Яшайман мисли кўёш,
Нур таратиб дилларга.
Емгир тўқад кўз ёш,
Қувват бериб гулларга.

Зиёда ҒАЙБУЛЛАЕВА.

Болаликнинг илк қадамига
Азиз тупроқ бўлди саждадоқ
Қоқилмагин, фарзандим дая
Кенг ҳаётга йўлади оғоҳ.

Инсон учун сажоватли ер
Бағрин оғар ризқисин бериб,
Меҳр билан улғайтиб замин
Кўёш саря боради тушиб.

Қалб сирини яширган жавоҳир,
Авлодларга тутган беминнат.
Ҳақ йўлида содиқ хизматчи
Билсанг фарзанд китобдир абад.

Махфират КЎЗИБОЕВА,

Қашқадарё вилояти, Чироқчи туманидаги Қарақия қишлоғи



Тўхтагон РАҲИМОВА

САҲИЙ МУСАВВИР

Ферузагон мусаввир
Расм чизди бир тўп гул.
Гуллар эди саноксиз
Ва сайроқи шўх булбул
Ранглари гўё олов.

Ёруғ булар қора тун.
— Қизим, қара бир тўп-ку!
Сўради хайрон бўлиб.

— Ойижон, — дўстларим
кўп

Ҳаммага етсин дедим.
Гулларимни улашай,
Деб кўпроқ чизган эдим.

КҮК ЯПРОҚЛАР

Чапақ чалиб
Шитирлатиб
Куйлашарди
Кук япроқлар,
Шаббодада
Эрқаданиб
Ўйнашарди
Кук япроқлар!

Гўзаллигин
Кўз-кўз қилиб
Суйлашарди
Кук япроқлар...
Шуълалардан
Либос кийиб
Тўйлашарди
Кук япроқлар.
Куз келдию
Рангпар бўлди
Мажолсиздир
Кўп япроқлар!
Бирин-кетин
Ерга тушиб
Хазон бўлди
Кук япроқлар.

УЙҚУЧИНИНГ ГАПИ

Салимвойнинг хўрози
Қичқиради тонг саҳар.
Тур, хой, Салим дангаса,
Кўёш чиқиб кетди-ку.
Салим кўз очиб шу он,
Дейди: — Чиқмай тур, кўёш.
Бир оз ухлаб олайин,
Уйқуга тўйсин бу бош.

СИЗГА «РАҲМАТ» ДЕДИ

— Ойи, бугун Расулни
Урган эдим калтаклаб.
Онаси дер йўлим тўсиб:
— «Раҳмат», дегин ойингга.

Мухаббат ЖУМАБҒОЕВА,
Хоразм вилояти, Гурлан тумани,
Усмон ЮСУПОВ номидаги мактаб.

Арининг уясидек тўзгиган синф хонаси
ўқитувчи Солихова кириши билан сув
қуйгандек тинчиди-қўйди.
— Болалар, — деди Солихова кўксига
босиб олган синф журнали ва китобни стол
устига оқистагина қўяр экан. — Ўтган
дарсимизда келишиб олганимиздек, бугун

қаерданбир бир бўлак пишлоқ ташлади...
Бозоров нега қўлингни кўтарасан? Саволинг
борми?

Охирги партада ўтирадиган бола дик
этиб ўрнидан турди.
— Малим, ўзиз ўтган дарсда "худо йўқ"
дегандигиз-ку, бо яна бугун...

БОЗОРОВНИНГ ХАТОСИ

ҲАЖВИЯ

"Тулкининг насибаси" деган эртақ асосида
диктант ёзамиз. Менимча, ҳамма
тайёргарлигини кўриб келган бўлса керак.
Қани ҳамма она тили дафтарининг
ўртасидан бир жуфт вароғ юлиб олсин...
Ҳамма олдимиз? Жуда яхши...

Солихова ишонч ҳосил қилиш учун
парталараро у ёқдан-бу ёққа юриб
текшириб чиқди. У ўз ўрнига келиб, стол
устидagi "Халқ эртақлари" китобини қўлига
олиб варақлади ва керакли жойини топиб,
ўқишга тутинди:

— "Тулкининг насибаси", — деди
Солихова болаларга бир қараб олар экан.
— Мен бир марта ифодали ўқиб бераман,
диққат билан тингланглар, сўнг ёзишга
киришамиз... "Бир кун Тулкига худо

— Ўтир жойингга! — Солихованинг
жаҳли чиқди. — Нима энди, мана бугунги
кунда магазинларда пишлоқ ҳам йўқ, шу-
нинг учун диктант ёзмаслиқ керакми? Ик-
кинчидан, бу эртақ пишлоқ сероб бўлган
замонларда ёзилган. Жим туриб, қулоқ
сол...

Солихова ўқишда давом этди...
Ўқитувчи ёзилган диктантларни кўздан
кечираркан, ғалати ҳолга кўзи тушди.

— Бозоров, тур ўрнингдан! — Солихова
қўлидаги диктантни боши узра кўтарди. —
Бу иш сеникимиз?.. Нега ишингга
муаллифлар сонини кўпайтириб
юборибсан? Нима бало, диктантни тўрт ки-
шилаб ёздирларми?.. Хўш, Холиқов ким?
Боши елкасига кириб кетган Бозоров

секин бошини кўтарди.

— Холиқов, Райно мудирини-ку, — деди.
— Унда, Султонов ким?

— Мактабимизнинг директори-да, —
деди Бозоров, "шунинг ҳам биласизми",
дегандек илжайаркан.

— Фаттоҳов дегани ким бўлди унда?
— Фаттоҳов, директорини мизни
муовинлари-да...

— Бу одамларнинг диктантга нима
алоқаси бор?

Бозоров бошини қашлади.
— Отам ўргатганлар. У киши бирор иш
қилсалар, иш кимлар орқали битса,
ўшаларни исми-шарифини албатта ўша
ерга тиркаб қўядилар. Шунда ишлари
юришиб кетади. Мен ҳам...

Солихованинг қўллари титраб
кетди.

— Ў-ўтир, — деди Солихова фиғони
фалак бўлиб. — Бу ишинг учун сенинг
баҳоинг "икки". Биласанми, бу билан
қандай хатога йўл қўйгансан?

Бозоров синфдаги болаларга бир-бир
қараб оларкан, бошини эғди.

— Биламан, — деди писиллаган овозда.
— Нимани биласан? — деди Солихова
дўқ қилиб.

— Хато қилганимиз-да...

— Айт-чи, нимада хато қилибсан?

Бозоров ер остидан ўқитувчига қаради.

— Сизнинг фамилиянгизни муаллифлар
рўйхатига киритмаганман-да.

Солихова бошини чангаллаганча,
курсига ўтириб қолди.

И. ЗОИРОВ.



Бош муҳаррир: Ақром БЕРДИМУРОДОВ.

Таҳрир хайъати:
Ф. ЖАЛИЛОВА, Т. КАРИМОВ, А. КЎЧИМОВ,
М. ПИРМАТОВ /масъул котиб/,
М. РАҲИМБЕРДИЕВА, Ш. СУННАТОВ,
Д. ТУРАХМЕТОВА.

Таъсис этувчи:
ЎЗБЕКИСТОН ЎШЛАР ИТТИФОҚИ
МАРКАЗИЙ ҚЎМИТАСИ
Газета 1929 йил, 1 августдан
«ЛЕНИН УЧҚУНИ» номи билан
чиқиб боплаган.

Маълумот учун телефон: 33-49-45

Бизнинг манзилгоҳ:
700083, ТОШКЕНТ ШАҲРИ,
ЛЕНИНГРАД КЎЧАСИ, 32-УЙ.
Нашр кўрсаткичи: 64563
Чоп этиш вақти — 18.00.

Газета ҳафтанинг сешанба кунини чиқади.

Ўзбекистон Республикаси "ШАРҚ" нашриёт-матбаа концернининг босмахонаси.
Газетамизнинг навбатдаги сони 16 март кунини чиқади.

Газета IBM компютерида терилди ва саҳифаланди.
Буюртма № Г — 128 67539 нусхада чоп этилди. 1 2 3 4 5 6